



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 1 апрель, № 64 (6247) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИНВЕСТИЦИЯ, ИЗЛАНИШ ВА ИМКОНИЯТ

саноат корхоналари салоҳиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутмоқда



Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари кўлами тобора кенгаймоқда. Шаҳарлардан торттиб, энг чекка қишлоқларимизда ҳам барпо этилаётган замонавий тураржойлар, равон йўллар, маҳобатли кўприклар, йирик саноат корхоналари, мухташам савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, муқобили йўқ ижтимоий соҳа объектилари бунинг ёрқин тасдиғидир.

ИСЛОХОТ

Таъкидлаш керакки, бу жараёнда сифатли ва рақобатбардор қурилиш материаллари, хусусан, цементга бўлган талаб ҳам муттасил ошаётган. Шундан келиб чиқиб, “Бекобдцемент” акциядорлик жамияти жамоаси кейинги йилларда ишлаб чиқаришни модернизациялаш ҳамда янги қувватларни ишга тушириш борасида фаол изланишлар олиб бормоқда.

— Юртимизда соҳани ривожлантиришга қаратилган инвестиция дастурлари доирасида истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётгани корхонамизда маҳсулот тайёрлаш ҳажми ва унинг сифат кўрсаткичларини сезиларли даражада оширишга хизмат қилаётган, — дейди жамият бош муҳандиси Эркин Курбонов. — Масалан, ўтган йили жамоамиз томонидан бир миллион тоннадан ортиқ це-



мент ишлаб чиқарилди. Унинг 2 миллион 660 минг АҚШ долларлик қисми эса экспортга йўналтирилгани, айниқса, диққатга сазовордир.

Этиборли жиҳати, 2013 йилдан бошлаб бу ерда қуруқ усулда клингер тайёрлашга киришилгани қурилиш материаллари саноати ривожига янги

босқични бошлаб берди. Гап шундаки, Хитойнинг “China CAMC Engineering Co., LTD” компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилган мазкур

лоийҳа туфайли йилига 750 минг тонна ана шундай маҳсулот ишлаб чиқарилаётган.

(Давоми 2-бетда).

САЙЛОВ — 2015

29 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Эртаси куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловнинг дастлабки натижалари эълон қилинди.

Сайловлар ҳаққоний ва адолатли ўтди

Хабар берилганидек, сайловда иштирок этган сайловчиларнинг 90,39 фоизи Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Президентликка номзод Ислоҳ Каримовга овоз берди. “Миллий тикланиш” демократик партиясидан номзод Хотамжон Кетмонов 2,92, “Адолат” социал-демократик партиясидан номзод Наримон Умаров 2,05 фоз овоз тўплади. Бюллетенларнинг бир қисми ҳақиқий эмас, деб топилди.

Халқаро ташкилотлар, хоржий давлатлардан келган кузатувчиларнинг фикрича, Ўзбекистонда сайлов очик, ошкора, миллий қонунчиликда назарда тутилган қоида ва меъёрларга тўла мувофиқликда, демократик тамойиллар асосида ўтказилди.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ёритиш бўйича Республика матбуот марказида “Миллий тикланиш” ДП, ЎзХДП, “Адолат” СДПнинг сайловни ташкил этиш ва уни ўтказиш бўйича сайлов штаблари томонидан брифинглар уюштирилди. Унда партияларнинг сайлов кампаниясидаги иштироки яқинлари эълон қилинди.

“Миллий тикланиш” ДП брифингида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов сўзга чиқди. У, жумладан, сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш ҳараёнда барча номзодларга тенг имкониятлар тақдим этилганини таъкидлаб ўтди.

Сайловчиларнинг номзодлар ҳамда уларнинг дастурлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга экани, аҳоли ва сайлов органлари ўртасида ўзаро алоқа йўлга қўйилгани диққатга сазовордир. Сайловчилар, айниқса, ёшларнинг фаоллиги менда катта таассурот қолдирди.

У эътироф этганидек, Ўзбекистон халқи фуқаролик фаоллиги юксалган шaroитда ўз танловини, энг аввало, ҳар бир оила бахту саодати, юрт тинчилиги,

танланган йўлдан оғишмай ҳаракат қилиш учун амалга оширди.

А. Саидов ишончли вакиллари, партия аъзолари ва тарафдорлари, уни сайловда қўллаб-қувватлаган сайловчиларга чуқур миннатдорлик билдирди ҳамда Ислоҳ Каримовни 2015 йилги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги ёрқин галабаси билан табрикледи.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси брифингида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хотамжон Кетмонов сўзга чиқди. У сайлов кампаниясининг барча босқичида сиёсий партиялар ҳамда улар томонидан илгари сурилган номзодлар учун тенг шароитлар таъминлашга қатъий риоя этилганини таъкидлади. Ўзбекистон ХДП сайловда иштирок эта туриб, мамлакат қонунчилигида берилган ҳамма имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қилди.

Мазкур сайлов кампаниясида, ўтган галги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови билан солиштирилганда, барча сиёсий партияларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш учун янада кенг имкониятлар яратилди. Сайловдаги ташвиқоти доирасидаги материаллар республика нашрларида берилиши баробарида, электрон ва бошқа ОАВга жойлаштирилди.

Х. Кетмоновнинг сўзларига қараганда, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилинган сайлов натижаларини ҳамда ушбу жараёнда қонунчилик бузилиши ҳолатлари кузатилмаганини тўла тан олади. Овоз беришнинг бориши ва овозларни санаш жараёни партиянинг 9003 нафар вакили кузатиб борди.

(Давоми 2-бетда).

Аҳоли бандлиги даражасини ошириш

юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан биридир

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг даромадини кўпайтириш ва турмуш даражасини юксалтириш масалаларига устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки аҳоли ҳаёт тарзи кўп қадар иқтисодий шунчалик тараққий этаётганини ифодалайди.

Айтиш жоизки, ана шу эзгу максдаларни рўйбга чиқаришда ҳуқуқий асослар яратилиб, саноат тармоқларида қўллаб-қувватловчи лойиҳалар амалга оширилаётгани, ишбилармонларнинг эркин фаолият юритиши учун етарлича имтиёз ва қарғалар берилаётгани, айниқса, қўл келмоқда. Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазири томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида шулар ҳусусида батафсил сўз юритилди.

(Давоми 2-бетда).

АНЖУМАН

«Сайлов тенглик, шаффофлик ва демократик андозалар асосида ўтказилди»

Халқаро кузатувчилар мамлакатимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўйбга чиқаришга қаратилган демократик тамойилларнинг амалдаги яна бир ифодасига айланганини алоҳида таъкидламоқдалар. Қуйида улардан айримларининг фикрлари билан танишасиз.

СЎЗ — ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРГА

Айдин АББАСОВ, Озарбайжон Миллий Мажлиси депутаты, Озарбайжон — Ўзбекистон парламентаро гуруҳи раҳбари:

— Ўзбекистон сайлов қончилиги билан танишиш асносида унинг барча демократик талабларига мос эканига гувоҳ бўлдим. Албатта, мамлакат ҳаётидаги ушбу муҳим сиёсий воқеага Марказий сайлов комиссияси томонидан пухта тайёргарлик кўрилган. Хусусан, сайлов кунини маҳаллий ва хоржий оммавий ахборот воситалари ҳамда халқаро кузатувчилар учун брифинглар юқори даражада ташкил этилганини таъкидлаш лозим. Шу билан бирга, участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ўз ишига масъулият билан ёндашгани, сайловчиларнинг кайфияти юқорилиги, айниқса, биринчи марта овоз бераётган ёшлардаги ўзгача қизиқиш ва ҳаяжон менда илқ таассурот қолдирди. Эътиборли жиҳати, сайлов демократик мезонларга ҳамоханликда, яширин овоз бериш йўли билан ўтди. Ҳар бир сайловчи ўзи муносиб, деб билган номзодни сайлашда фаол қатнашди. Бу эса фуқароларнинг келажақка юксак

ишонч билдирганининг ёрқин ифодасидир.

Зенонас ВАЙГАУСКАС, Литва Марказий сайлов комиссияси расми:

— Аксарият давлатларда сайловчиларни қинғир йўллар билан ўз томонига оғдириб олиш каби сайлов қончилигининг бузилиши ҳолатлари учраб туради. Ўзбекистонда бундай вазиятни мутлақо кузатмадим. Хусусан, ташвиқот даврида сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодларга тенг шароитлар тақдим этилди. Сайлов кунини бир қатор сайлов участкаларига ташриф буюрдим. Уларнинг ҳаммасида овоз бериш уюшқоқлик билан олиб бориладиган ишонч ҳосил қилдим. Сайловчилар бемалол овоз беришлари учун сайлов комиссиялари томонидан барча чоралар кўрилган.

Оярс СПАРТИС, Латвия фанлар академияси президенти:

— Ўзбекистонда Президент сайлови юксак савияда ташкил этилди. Марказий сайлов комиссияси томонидан ушбу сиёсий тadbirkor катта тайёргарлик кўрилгани, участка сайлов комиссиялари аъзолари ўз иши-

Иван КОТЛОБАЙ, МДХ Ижроия кўмитаси бўлим бошлиғи:

— Кузатишнинг асосий принципи — мамлакатнинг сайловга оид қонунлари ҳар томонлама риоя этилиши билан боғлиқ. Бир қатор сайлов участкаларига бордик. Президент сайловига тайёргарлик кўриш бўйича улкан ишлар қилинган. Барча сайлов участкаси рисоладагидек шакллантирилган. Сайловчилар учун зарур қулайликлар яратилган. Яширин овоз бериш хоналари тўлиқ жиҳозланиб, сайлов қутилари ўрнатилган. Мухтасар айтганда, ҳаққоний демократик ва ҳалол сайловни ўтказиш, сайловчиларнинг хоҳиш-истакларини эркин билдиришлари учун ҳамма шароит муҳайё этилган.

Сайловчилар шунга яраша фаол бўлди. Демак, улар ўз овози мамлакатнинг эртанги кунига, равнақига дахлдор эканини жуда яхши билади.

(Давоми 2-бетда).

ЁШЛАР — ЭРТАНГИ КУНИМИЗНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИ

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-таdbirkorлар тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган мамлакатимизда 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-таdbirkorлар дастури ижроси мухокама қилинди.

Ватанимиз келажаги, халқимизнинг эртанги кунини, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб обрў-эътиборга эга бўлиши ёшларимизнинг бугун қандай таълим-тарбия олиши, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб келишига боғлиқ.

“Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”, “Таълим тўғрисида”ги қонунлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёшларга замонавий стандартлар асосида таълим-тарбия бериш, иқтидор ва истеъдодни юзага чиқариш, уларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш имконини бермоқда.

Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замон ёшлар таълим-тарбиясига янада эътиборли бўлиш, ёш авлоднинг жисмонан бакуват, маънан соғлом этиб тарбиялаш ишларини янада такомиллаштириш, бу борадаги вазифаларни аниқ белгилаб олишни тақозо этмоқда.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-таdbirkorлар дастурида етти йўналишда белгилаган вазифалар ижроси доирасида вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар ҳамкорлигида қўллаб-қувватловчи семинарлар, фестиваллар ўтказилди, уларда 15,5 миллиондан ортиқ ёш қамраб олинган.

Ёшларни тadbirkorликка жалб қилиш, ёш тadbirkorларни қўллаб-қувватлашга қаратилган “Менин бизнес гоям”, “Ёш тadbirkor — юртга мадакдор” лойиҳалари ва ёш тadbirkor консултант марказлари фаолияти орқали 135 мингдан зиёд йигит-қизларда тadbirkorлик кўникмалари шакллантирилди, 3 мингдан кўпроқ ёшлар имтиёзли кредит олиш имкониятига эга бўлди.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Мустақиллик йилларида республикамиз аҳолисининг энгил автомобиллар билан таъминланиш даражаси

3,5 марта ошди.



Бошқача айтганда, бугунги кунда деярли ҳар икки оиладан бири юртимизда ишлаб чиқарилган энгил машинага эга бўлиб, бу одамларнинг даромадлари ортиши билан оилаларнинг моддий аҳоли ҳам сифат жиҳатдан ўзгариб, ҳаёт даражаси тобора юксалиб бораётганининг яққол тасдиғидир.

ХАМКОРЛИК

Олий Мажлис Сенатида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатишда иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Латвия Сейми депутати И. Судраба ва Латвия Марказий сайлов комиссияси раиси А. Цимдарс билан учрашув бўлиб ўтди.

«Ўзбекистон жадал суръатлар билан ривожланмоқда»

Учрашувда Ўзбекистон ва Латвия узоқ йиллик мустақам дўстлик ҳамда ҳамкорлик ришталарига эга эканлиги таъкидланди. Икки давлат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва тушуниш турли соҳалардаги муносабатларни изчил ривожлантиришнинг муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон мамлакатининг изчил тақомиллаштирилиши мамлакатни жадал суръатлар билан ривожлантириш имконини бераётганини қайд этди. Жамият ҳаётида парламент роли мустақамланмоқда, давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан самарали парламент назорати амалга оширилади.

Хорижлик меҳмонлар Ўзбекистонда қонунчиликнинг изчил тақомиллаштирилиши мамлакатни жадал суръатлар билан ривожлантириш имконини бераётганини қайд этди. Жамият ҳаётида парламент роли мустақамланмоқда, давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан самарали парламент назорати амалга оширилади.

Ўзбекистон фуқаролари Президент сайловини кузатишда иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Латвия Сейми депутати И. Судраба ва Латвия Марказий сайлов комиссияси раиси А. Цимдарс. — Кузатувчи сифатида Самарқанд, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги сайлов участкаларига ташриф буюрдим, сайлов қонунчилигида, сайлов тизимида ижобий ўзгаришлар юз берганига гувоҳ бўлдим.

Хорижлик меҳмонлар Олий Мажлис Сенати фаолияти билан танишди.

Худди шу кун Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кузатишда иштирок этиш учун юртимизга ташриф буюрган Шарқий Европа ва МДХ мамлакатлари институти директорлари, Сайлов тизимларини ўрганиш халқаро маркази президенти Александр Цинкер (Исроил), Туркия парламенти депутати И. Сафи билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувларда қайд этилганидек, Ўзбекистонда амалга оширилган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижасида, аввало, аҳоли фаровонлиги юксалиб, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиги ошди, иқтисодий ва ижтимоий жаҳдалларда улкан муваффақиятларга эришилди. Бу эса ҳақли равишда жаҳон ҳамжамияти эътирофига сазовор бўлаётди.

номзодлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишди. Президент сайловини кузатишда иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Латвия Сейми депутати И. Судраба ва Латвия Марказий сайлов комиссияси раиси А. Цимдарс. — Кузатувчи сифатида Самарқанд, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги сайлов участкаларига ташриф буюрдим, сайлов қонунчилигида, сайлов тизимида ижобий ўзгаришлар юз берганига гувоҳ бўлдим.

Хорижлик кузатувчилар Қонунчилик палатаси фаолияти билан танишиб, қонун ижодкорлиги жараёнини тақомиллаштириш бўйича ишларга, парламент назоратини амалга ошириш тажрибасига, парламентлараро алоқаларни мустақамлаш масалаларига эътибор қаратишди.

— Мен Бухоро шаҳридаги бир қатор сайлов участкаларида сайловни ҳеч қандай тўсиқларсиз кузатиш имконига эга бўлдим, — деди И. Сафи. — Ушбу жараёнга пухта тайёргарлик қўрилганини қайд этишни истардим. Сайловчилар учун барча шарт-шароит яратилган. Сайловнинг юксак даражада ташкил қилингани эътиборини жалб этди. Сайлов комиссиялари аъзолари пухта тайёргарлик қўришган. Сайлов жараёни Ўзбекистон миллий қонунчилиги ва халқаро меъёрларга мувофиқ ўтди.

Хорижлик кузатувчилар Қонунчилик палатаси фаолияти билан танишиб, қонун ижодкорлиги жараёнини тақомиллаштириш бўйича ишларга, парламент назоратини амалга ошириш тажрибасига, парламентлараро алоқаларни мустақамлаш масалаларига эътибор қаратишди.

Мехмонлар илиқ қабул учун миннатдорлик изҳор қилиб, уларнинг фаолияти демократик тамойилларни янада мустақамлашга хизмат қилишига ишонч билдиришди.

Қ. ХИДИРОВ.

«Сайлов тенглик, шаффофлик ва демократик андозалар асосида ўтказилди»

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Катрин ПРОКАСЯН, Франция Сенатининг «Франция — Марказий Осиё» парламентлараро гуруҳи аъзоси: — Мамлакатингизда барча соҳада амалга оширилаётган ислохотлар унинг тараққиётига, янада гуллаб-яшнашига хизмат қилмоқда. Бу, шунингдек, сайловни уюшқоқлик, миллий сайлов қонунчилиги, умумэтироф этилган демократик тамойиллар, кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида, очик ҳақида ошкора рўхда ўтказилганида ҳам яққол намоён бўлди. Айниқса, фуқароларнинг сиёсий фаолиги ҳавасимни келтирди. Бу юртингиз аҳолисининг нафақат маънавияти, балки сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксак эканидан далолатдир.

Умуман, Ўзбекистон халқи барқарор келажак учун овоз берди.

Владимир МЕСАМЕД, Куддус университетининг Осиё ва Африка давлатлари институти профессори, сиёсатшунос (Исроил): — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови — мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеадир. Жиззах вилоятидаги қатор сайлов участкаларига ташриф буюриб, катта тайёргарлик ишлари олиб борилганини кўрдим. Сайлов комиссиялари аъзолари билан суҳбатлашдим. Улар сайлов жараёнида тажриба тўлаган қонунчиликдан чўқур хабардор. Сайловда муқобиллик таъминлайдиган кўппартиявийлик тизими республика эришган ютуқлардан биридир. Унда тўртта партия ҳам қатнашгани, сайловдаги ташвиқоти давридаги соғлом рақобатни

этироф этиш керак. Буларнинг барчаси сайлов жараёнида демократик тамойиллар, очик ва ошқоралик таъминланганининг ёрқин тасдиғидир.

Амея САТАЯ, «Sarkaritel» ахборот-таҳлил портали ижрочи директори, бош муҳаррири (Хиндистон): — Матбуот ходими бўлганим учун сайлов жараёнининг бориши ҳақида, аввало, маҳаллий оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида берилаётган ахборотларнинг тезкорлигига, сифатига эътибор қаратдим. Қайд этиш жоизки, юртингиз журналистлари ушбу тадбирга ҳолис ёндашиб, аҳолини бу ҳақда ўз вақтида хабардор қилиб борди. Бу эса, ўз навбатида, сайловнинг очуқлиги, шаффофлиги, энг муҳими, миллий қонунчилик нормаларига қатъий амал қилинган ҳолда ўтишини, шу билан бирга, сайлов бўйича ўзимизни қизиқ-

тирган маълумотларни олишда катта қулайликни таъминлади.

Сафир Хусейн ШОҲ, «Election Times» газетаси бош муҳаррири (Покистон): — Юртингизда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилган демократик тамойилларнинг амалдаги яна бир намоёнишига айналди. Сайлов кунини эрта тонгдан оқ, сайлов участкаларининг овоз берувчилар билан гавжумлигини кўриб, мамлакатингизда фуқароларнинг бу муҳим сиёсий тадбирга катта масъулият билан қарашига гувоҳ бўлдим. Сайловчилар ўз конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириб, фаоллик билан, эмин-эркин овоз берди. Бундан ташқари, ташкилий ишлар ҳам уюшқоқлик билан, юқори даражада олиб борилгани диққатга сазовор. Умуман, сайлов тенглик, шаф-

фолик ва демократик андозалар асосида ўтказилди.

Си ЦЗЯН, Хитой халқаро радиоси муҳбири:

— Президент сайлови кунини Тошкент шаҳридаги бир қатор сайлов участкаларида бўлдим. У ерда сиёсий партияларнинг вакиллари, кузатувчилар ва журналистлар учун барча шарт-шароит яратилган. Она ва бола, тиббиёт хоналари ташкил этилгани эътиборимни тортди. Сайловга бундай пухта тайёргарлик қўрилгани, албатта, сайловнинг очуқшорка, демократик тамойилларга тўла мос ҳолда ўтишини таъминлади. Мазкур жараёнда аёллар, ёшларнинг фаоллигини алоҳида қайд этишим жоиз. Айниқса, сайловда илк марта қатнашган йигит-қизларнинг ушбу сиёсий тадбир мамлакат тақдирини ун қандайдир муҳим экани хусусидан фикрларини эшитиб, уларнинг билими, юксак масъулиятига қойил қолдим. Энг асосийси, ёшларнинг эртанги кунга ишончи баланд. Улар муносиб номзодга овоз бериб, ўз конституциявий ҳуқуқларини амалга оширдилар.

«Халқ сўзи» муҳбирлари С. МАХСУМОВ, З. АШУРОВА эшиб олди.

Сайловлар ҳаққоний ва адолатли ўтди

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

У сайлов жараёнида сайловчилар билан учрашувлар партия илгари сурган номзод дастурида белгиланган вазифалар аҳолининг кенг қатламлари манфаатларини етарли даражада қамраб олмаганини кўрсатгани, уни янада тақомиллаштириш зарурлигига тўхталиб ўтди.

У сайлов жараёнида сайловчилар билан учрашувлар партия илгари сурган номзод дастурида белгиланган вазифалар аҳолининг кенг қатламлари манфаатларини етарли даражада қамраб олмаганини кўрсатгани, уни янада тақомиллаштириш зарурлигига тўхталиб ўтди.

қонини берганини айтиб ўтди. У сайловчиларга берилган ваъдалар партия томонидан бажарилди. Сайловда дастуридаги мақсад ва вазифалар амалиётга татбиқ этилишини таъкидлади. «Биз Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияимиз ҳамда маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳларимиз, шунингдек, фаолларимизнинг барча куч ва имкониятларини электрат манфаатларини оғишмай ҳимоя қилишга сафарбар этамиз», дея ўз чиқишини айтди Н. Умаров.

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Таъкидланганидек, республикада ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар натижасида нафақат аҳоли бандлиги даражаси ошириляпти, балки ҳудудлар инфратузилмаси ҳам ривожланмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида Инвестиция дастури доирасида Хоразм вилоятида «Damas» ҳамда «Orlando» рўсумидаги енгил автомобиллари ишлаб чиқариш, Жиззах вилоятида йирик цемент заводи ни барпо этиш, Сирдарё иссиқлик электр станциясини тўлиқ модернизация қилиш, Қорақалпоғистон Республикасидаги «Мангит» қорхонаси негизига қалава ип тайёрлашни йўлга қўйиш лойиҳаларининг рўёбга чиқарилгани бунинг тасдиғидир.

қонини берганини айтиб ўтди. У сайловчиларга берилган ваъдалар партия томонидан бажарилди. Сайловда дастуридаги мақсад ва вазифалар амалиётга татбиқ этилишини таъкидлади. «Биз Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияимиз ҳамда маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳларимиз, шунингдек, фаолларимизнинг барча куч ва имкониятларини электрат манфаатларини оғишмай ҳимоя қилишга сафарбар этамиз», дея ўз чиқишини айтди Н. Умаров.

Аҳоли бандлиги даражасини ошириш

юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан биридир

камиз ялли ички маҳсулотигада улуғшайиб кетганда, бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти муҳим омил бўлаётганини ҳам қайд этиш жоиз, — дейди Иқтисодиёт вазирлигининг демография ва меҳнат бозори бўлими бошлиғи Зафар Шарипов. — Негаки, айни пайтда соҳа вакиллари иқтисодиётимизнинг таянч кучига айланиб, уларнинг республи-



(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Клинкерни куйдириш технологияси ҳам табиий газда, ҳам кўмирда ишлашга мўлжалланган бўлиб, юқори тежамкорлиги ва экологик безарарлиги билан ажралиб туради. Ишлаб чиқариш жараёнидаги барча босқич компьютерлашган тизим орқали бошқарилади.

камиз ялли ички маҳсулотигада улуғшайиб кетганда, бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти муҳим омил бўлаётганини ҳам қайд этиш жоиз, — дейди Иқтисодиёт вазирлигининг демография ва меҳнат бозори бўлими бошлиғи Зафар Шарипов. — Негаки, айни пайтда соҳа вакиллари иқтисодиётимизнинг таянч кучига айланиб, уларнинг республи-

камиз ялли ички маҳсулотигада улуғшайиб кетганда, бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти муҳим омил бўлаётганини ҳам қайд этиш жоиз, — дейди Иқтисодиёт вазирлигининг демография ва меҳнат бозори бўлими бошлиғи Зафар Шарипов. — Негаки, айни пайтда соҳа вакиллари иқтисодиётимизнинг таянч кучига айланиб, уларнинг республи-

ИНВЕСТИЦИЯ, ИЗЛАНИШ ВА ИМКОНИЯТ

саноат корхоналари салоҳиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутмоқда

топширилди. Бунинг моҳияти шундаки, айни шу акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган клинкерда тортилиб, зарур компонентлар билан бойитилди ва тайёр маҳсулотга айлантирилди. Шу тарзда кунига 3300 тонна цемент тайёрланади. Айниқса, станциянинг йирик автомагистраль ёқасида жойлашгани маҳсулотни эҳтиёжга қараб ишлаб чиқариш, маҳаллий ҳамда хорижлик буюртмачиларга ўз вақтида етказиш имконини беради.

қонини берганини айтиб ўтди. У сайловчиларга берилган ваъдалар партия томонидан бажарилди. Сайловда дастуридаги мақсад ва вазифалар амалиётга татбиқ этилишини таъкидлади. «Биз Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияимиз ҳамда маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳларимиз, шунингдек, фаолларимизнинг барча куч ва имкониятларини электрат манфаатларини оғишмай ҳимоя қилишга сафарбар этамиз», дея ўз чиқишини айтди Н. Умаров.

Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Table with 2 columns: Country and Currency, and 2 columns: Amount and Unit.

Table with 2 columns: Country and Currency, and 2 columns: Amount and Unit.

ЁШЛАР — ЭРТАНГИ КУНИМИЗНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Кичик бизнесни ривожлантириш жараёнида банклар томонидан ёш тадбиркорлар, хунарманд ва фермерларга 322,4 миллиард сўмлик кредитлар берилди. Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида 193,4 миллиард сўмлик имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

мамлакатимизнинг барча ҳудудидида «Камолот» уйлари қурилмоқда. Қуриб битказилган уй-жойлар ёш оилаларга «Камолот» ёш оилаларга мурофиқ, тижорат банкларини томонидан бошланғич бадалсиз, 20 йил муддатга имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш йўли билан берилмоқда.

«Биз — соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз», «Конституция — тараққиётимиз кафолати» лойиҳалари, «Биз — буюк юрт фарзандларимиз!», «Биз Ватан фарзандлари — умид ниҳолларимиз!» фестиваллари орқали 3,5 миллион ёшларнинг ҳуқуқий, маънавий ва тиббий саводхонлиги оширилди.

Ингиланда жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар. «Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар дастури» лойиҳаси муҳокама этилди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икрамов сўзга чиқди.

Статистик ҳисоботлар электрон шаклда тақдим этилади

Қашқадарёда давлат статистика ҳисоботлари тўлиқ электрон шаклга ўтказилгани йилга қарийб 4 тонна қоғозни тежаш имконини берди.

ҚУЛАЙЛИК

Виллояда бундан уч йил аввал электрон усулда ҳисобот топширган тадбиркорлик субъектлари улushi 44 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳозирги кунга келиб 98,4 фоизга етди. Ўз навбатида, давлат статистика ҳисоботлари турлари 141 тага қисқартирилганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

ҳисобига ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун максимал даражада қулай шарт-шароитни вужудга келтириш кўзда тутилган.

— Эндиликда ҳисоботларни исталган жойдан электрон шаклда жўнатиш мумкин, — дейди виллоят статистика бошқармаси бошлиғи Фарход Тўраев. — Бу қулайлик сўнгги йилларда мамлакатимизда электрон тизимни ривожлантириш ва соҳага энг замонавий коммуникация технологияларини жорий этиш борасидаги ислохотлар самарасидир. Хусусан, 2012 йил 16 июлдаги «Статистика, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартибларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонда бозор иқтисодиёти талабларига, халқаро меъёрлар ва стандартларга мувофиқ, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ва соддалаштириш, ҳисобот тизимини ва ҳисоботларни тақдим этиш тартибини тақомиллаштириш

Ташкиллаш керакки, бунинг кунда виллоятда иқтисодий фаол аҳоли қатламнинг 78,4 фоизи, яъни 15 миң нафардан зиёди тадбиркорлик соҳасида фаолият юритмоқда. Улардан статистик ҳисоботларни электрон шаклда қабул қилиш механизмининг кенгроқ жорий этиш ва бу борадаги имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида сўнгги йилларда виллоят статистика идоралари зарур компьютер техникалари, сервер аппаратларини ҳамда алоқа воситалари билан тўлиқ таъминланди. Айни пайтда Давлат статистика қўмитаси ва унинг қўйи маъсасалари ўртасида юқори тезликда маълумот алмашиш имконини берувчи корпоратив тармоқ ишламоқда. 2015 йил учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган 125 турдаги барча давлат статистика ҳисоботлари эндиликда тўлиқ электрон шаклда қабул қилинади.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Маълумки, ўтган йили мамлакатимизда иқтисодийнинг барча соҳаси қаторида банк тизимига ҳам салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Жумладан, молия муассасаларининг жами капитали аввалги йилдагига нисбатан 24,8 фоиз ошиб, охириги беш йил мобайнида ушбу кўрсаткич 2,4 баравар ўсди. Бунда, табиийки, 2010 йил 26 ноябрдаги қарор билан тасдиқланган "2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури" талаблари изчил ихро этилгани ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тизим самарали бошқарилаётгани муҳим омил бўлди.

Дарҳақиқат, соҳада рўй бераётган бу каби ижобий ўзгаришлар муваффақиятлар давомийлигини таъминлаш баробарида, унинг халқаро доирадаги мавқеини ҳам оширишга хизмат қилапти. Бугунги кунда Ўзбекистон банк тизими фаолияти жаҳоннинг нуфузли рейтинг агентликлари томонидан "барқарор" деб баҳоланаётгани ана шундан далolat беради. Юртимизда фаолият юритаётган хорижий экспертлар ва маҳаллий ишбилармон доиралари вакиллари куйидаги дил сўзлари ҳам буни яққол тасдиқлаб турибди.

Банг ЖУНМИНГ, халқаро эксперт (Хитой Халқ Республикаси):

